

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019. Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АТАЕВА НИЛУФАР САЛИЕВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА БАНК-МОЛИЯ**  
**ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УДК 811.512.133'37:336  
811.111'37:336

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Атаева Нилуфар Салиевна**

Инглиз ва ўзбек тилларида банк-молия терминларининг лексик-семантик  
хусусиятлари ..... 3

**Атаева Нилуфар Салиевна**

Лексико-семантический особенности банковских-финансовых терминов в  
английском и узбекском языках..... 27

**Nilufar Salievna Ataeva**

Lexico-Semantical Peculiarities of Banking-Financial Terms in the English and Uzbek  
Languages ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019. Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АТАЕВА НИЛУФАР САЛИЕВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА БАНК-МОЛИЯ**  
**ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil.570 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzswlu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим тармоғининг (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич  
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Эргашева Гули Исмоил кизи  
филология фанлари доктори, доцент

Кадирбекова Дурдона Хикматуллаевна  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг «5» абвуст 2021 йил соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu\_info@mail.ru.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» сентябрь кунини тарқатилди.  
(2021 йил «24» сентябрь даги 14 рақамли реестр баённомаси)



[Signature]  
Г.Х. Бакиева  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, филол.ф.д.,  
профессор

[Signature]  
Х.Б. Самигова  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

[Signature]  
Ж.А. Ёқубов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви ва интеграцияси банк-молия соҳаларининг тараққий этиши, мазкур соҳада фаол қўлланиладиган банк-молия терминлар тизимини умумий лингвистика нуқтаи назардан атрофлича амалиётга татбиқ этиш алоҳида эътиборга моликдир. Рақамли иқтисодиёт тизимининг изчиллашуви банк-молия соҳасида барқарорликка эришиш даврида соҳалар учун бир нечта хорижий тилларда эркин мулоқот қила оладиган малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни тақозо этади. Шу сабабли, инглиз ва ўзбек тиллари кесимида банк-молия соҳасида қўлланиладиган терминларнинг лексик-семантик, функционал-структуравий, семантик-услугий хусусиятларини очиқ беришга қаратилган тадқиқотларни олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида турли тиллар терминологик тизими, хусусан банк-молия терминларини ривожланишига таъсир этувчи ижтимоий омилларни ҳамда икки тил терминологиясининг фарқли ва ўхшаш хусусиятларини аниқлашга доир бир қатор фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Банк-молия терминларини тартибга солиш жараёни терминларнинг структуравий ва деривацион моделларини аниқлаш, байналмилал ва ўзлашма қатлам бирликларининг миллий тилларда барқарорлашув жараёнларини тадқиқ этиш, таржима қилиш услубларини такомиллаштириш ва бу борада илғор хорижий тажрибаларни қўллаш ҳамда терминлардаги синонимлик, полисемик ва омонимлик ҳолатларни тартибга солиш ҳамда меъёрлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, босма ва электрон таржима луғатларни тузиш заруриятини белгилайди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматларининг такомиллашуви чет тилларни мукамал эгаллаган мутахассис кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни оширмоқда. «...Давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш; мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига катта эътибор қаратилмоқда»<sup>1</sup>. Бу борада, турли тизимли тилларга оид касбий терминларнинг лексик-семантик, грамматик, функционал-структуравий жиҳатларини банк-молия соҳасига оид терминларни тартибга солиш каби тамойиллар асосида ўргатиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – 6-сон. 70-модда.

ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 394-сон «Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Терминологик масалалар А.А. Реформатский, М.Т.Кебри, А.С. Герд, В.В. Антимирова, В.М. Лейчик, В.И. Гатаулина, Р.А. Будагов, Е.А. Колесникова, Д.С. Лотте, Л.Н. Уткина, Ч.С. Абдуллаева, Ғ. Абдурахмонов, С.А. Азизов, И.Ж. Юлдашев, П. Нишон, Г.И.Эргашова, Х.Д. Палуанова, Д.Х. Кадирбекова<sup>2</sup> ва бошқа олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Терминология соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар кўп бўлишига қарамай, терминлар табиатига, уларнинг, изоморфик ва алломорфик хусусиятларига оид ўрганилмаган

---

<sup>2</sup>Реформатский А.А. Как работать над терминологией. Основы и методы. – М., 1968. – 138с.; Cabre М.Т. Terminology: Theory, Methods and Applications / Ed. Juan C. Sager / - Amsterdam: Benjamins, 1998; Герд А.С. Еще раз о значении термина // Лингвистические аспекты терминологии. – Воронеж, 1980. – 70 с.; Антимирова В.В. Лексико-семантические и деривационные характеристики русской лингвистической терминологии: Дисс. ... канд. филол. наук – Краснодар; Лейчик В.М. Лингвистические проблемы терминологии и научно-технический перевод. Ч.II. Выпуск 18-й. – М., 1990. – 77 с.; Гатаулина В.И. Английская терминология в диахроническом освещении: Дисс. ... канд. филол. наук – Л., 1989; Будагов Р.А. Введение в науку о языке. – М.: Добросвет. 2003. – 544 с.; Колесникова Е.А. К проблеме становления русской лингвистической терминологии (вторая половина XVIII – первая треть XX вв.): лексикологический и лексикографический аспекты. Дисс. ... канд. филол. наук – Красноярск, 2011; Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М., 1961. – 210 с.; Уткина Л.Н. Функциональные аспекты лингвистической терминологии в разных подходах к изучению языка: Автореф. Дисс. ... канд. филол. наук – М., 2001; 136 с.; Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2000. – 22 с.; Абдурахмонов Ғ. Терминология муаммолари // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: Биринчи Республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986. – 136 б.; Азизов С.А. Лексико-грамматическое исследование музыкальной терминологии узбекского языка: Дисс. ... канд. филол. наук – Ташкент, 1981.–160 с.; Юлдашев И.Ж. Ўзбек китобатчилик терминологияси; шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 323 б. Нишон П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг киёсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.; Эргашова Г.И. Турли тизимдаги тилларда гендерга оид терминологиянинг шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омиллар. Филол. фан. д-ри. (DSc) ... дисс. автореф. – Т., 2018. – 59 б.; Палуанова Х.Д. Экологик терминларнинг деривацион-семантик хусусиятлари (ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тиллари мисолида). Филол. фан. д-ри. (DSc) ... дисс. автореф. – Т., 2016. – 88 б.; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникацияси технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари. Филол. фан. д-ри. (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2017. – 44 б.

муаммолар ҳам мавжудки, улар замонавий лингвистик тамойиллар ва мезонлар асосида илмий жиҳатдан ўрганилишини ва ечимини топишни тақозо қилади.

Иқтисодиёт, ғазначилик, банк, молия, солиқ ва божхона соҳаларига оид терминологиянинг лексик-семантик, тарихий-этимологик, функционал-структуравий жиҳатлари, қиёсий-статистик масалалари А.В.Федорова, Е.Н. Трифонова, З.А.Валиева, О.В. Довыш, Е.Т.Ширинова, Т.В. Шетле, Н.Р. Буянов, Л.Н. Митирева, Ҳ.А. Дадабоев, Ж. Дўстмухаммедов, Ч.С. Абдуллаева, Қ.М. Мусаев, О.С. Ахмедов, Ш.Н. Абдуллаева<sup>3</sup> ва бошқа тилшунослар ишларида ўз аксини топган. Ҳолбуки, иқтисодиёт соҳасининг таркибий лексикаси бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, банк-молия терминлари қиёсий-типологик планда, қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек тиллари кесимида, монографик йўсинда чоғиштириб ўрганилмаган.

Иқтисодиёт соҳасига оид терминлар билан боғлиқ бир қатор илмий изланишлар мавжуд, аммо инглиз ва ўзбек тилларида фаол қўлланиладиган банк-молия терминларининг ўтмишдаги ҳамда бугунги кундаги (диахрон ва синхрон) тадқиқига бағишланган махсус тадқиқот иши олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-245/11 «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Амалий тилшунослик» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз ва ўзбек тилларида банк-молия соҳасида фаол қўлланиладиган терминларнинг лексик-семантик ва деривацион хусусиятларини қиёсий-типологик жиҳатдан очиқ беришдан иборат.

---

<sup>3</sup>Федорова А.В. Английская и русская терминологические системы банковской сферы. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тверь: 2015. – 23 с.; Трифонова Е.Н. Полисемия банковских терминов в английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Омск: 2004. – 23 с.; Валиева З.А. Сопоставительный анализ финансово-банковских терминов в таджикском и английском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе: 2009. – 25 с.; Довыш О.В. Английская финансовая терминология и проблемы ее перевода на русский язык (на материале годовых финансовых отчетов зарубежных компаний): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: 2003. – 22 с.; Ширинова Е.Т. Ўзбек тили банк-молия терминологияси. ф.ф.д.(PhD) дисс. автореф.-Т.:2020.- 60-б. Шетле Т.В. Англоязычная терминология банковского дела в языковой системе и речевой практике: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: 2010. – 24 с.; Буянов Н.В. Функциональность терминов и понятий терминосферы «Налоги и налоговое право»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар: 2001. – 20 с.; 2002. – 20 с.; Митирева Л.Н. Психолингвистический анализ неологизмов, заимствованных из английского языка (на материале экономических терминов): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук.– М., 2002. – 24 с.;– 29 с.; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в торкоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991.; Дўстмухаммедов Ж. English-Uzbek-Russian dictionary of Economical terms. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994.; Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии. Автореф. дис...канд. филол. наук.- Т.: 2000.-26 б.; Мусаев Қ.М., Эрдонаев А.Х., Кудратов М.Ш. Economics-Finance-Banking-Commerce (Иқтисодиёт-Молия-Банк-Тижорат). Беш жилдлик инглизча-ўзбекча луғат. – Т.: 1998. – 529 б.; Олимжонов О.О., Маликов Т.С., Қоралиев Т.М. Замонавий молия-банк атама ва ибораларининг инглизча-русча-ўзбекча эквивалент луғати. – Т.: 1996. – 234 б.; Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ ва божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Т., 2016. – 25 б.; Абдуллаева Ш.Н. Ғазначилик соҳасида қўлланиладиган молиявий-иқтисодий терминларнинг чоғиштирма тадқиқи (инглиз, ўзбек ва рус тиллари мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа. д-ри (PhD). ... дисс. автореф. – Т., 2018. – 26 б.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

терминологиянинг замонавий тилшуносликда асосий назарий қоидаларини тизимлаштирган ҳолда термин, атама, терминосистема ва терминосфера тушунчаларининг лисоний хусусиятларини асослаш;

инглиз ва ўзбек тилларида банк-молия соҳасида фаол қўлланиладиган терминларни аниқлаш, уларнинг ўзига хос лексик-семантик, функционал-структуравий, семантик-услубий хусусиятларини очиб бериш;

чоғиштирилаётган тилларда банк-молия терминологик тизимининг диахрон жиҳатдан шаклланиш босқичларини таснифлаш, синхрон аспектда эса унга таъсир этувчи лингвистик ва экстралингвистик омилларни ёритиш;

банк-молия терминологик бирликларининг таржима қилиш тамойиллари ва соҳа терминларининг таржимада берилиш усулларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инглиз ва ўзбек тиллари банк-молия соҳасида қўлланиладиган лексема ва сўз бирикма шаклидаги терминлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни инглиз ва ўзбек тиллари банк-молия соҳасида фаол қўлланиладиган терминларнинг шаклланиши, тузилиши, деривацион, лексик-семантик ва лексикографик хусусиятлари ҳамда таржима қилиш усуллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда лингвистик тавсифлаш, қиёсий-типологик (чоғиштирама), диахрон, синхрон, компонент таҳлил, лексик-семантик ва лингвостатистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида банк-молия соҳасида қўлланиладиган терминларнинг деривацион жиҳатларини аниқлаш орқали уларнинг лексик-семантик, функционал-семантик ва синтактик хусусиятлари очиб берилган ҳамда аффиксал, морфемик-морфологик моделлари аниқланган;

банк-молия соҳаси терминларининг ҳосил бўлиши ва шаклланишининг асосий манбалари тилнинг аффиксация, лексик-семантик, композиция (синтактик), конверсия, акроним ва аббревиатуралар каби ички ва сўз ўзлаштириш сингари ташқи ресурслар ҳисобига бойиши аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларида банк-молия соҳасига оид терминологик тушунчаларни шаклланишида морфологик усулнинг етакчилик қилиши, ўзбек тилида синтактик-морфологик ва семантик усулларнинг сермахсуллиги терминларнинг функционал-структуравий хусусиятларидаги тафовутларни аниқлаш орқали исботланган;

чоғиштирилаётган тиллардаги банк-молия терминологиясида қўлланилган терминларнинг полисемантик, омонимик хусусиятлари терминлар таржимасида интерференцион (тўсқинлик қилувчи) омил эканлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларини ўрганишда банк-молия терминларининг деривацион тизимини ривожлантириш ва қиёсий терминшунослик тамойилларини такомиллаштириш бўйича ҳамда банк-молия терминларини



тартибга солиш (унификация қилиш), уларни таржима қилишда бир хилликка эришиш мақсадида бир қанча амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

банк-молия терминларининг инглиз ва ўзбек тили лексикографик манбалардаги фундаментал ўрни исботланган, лексикографик мезонлари такомиллаштирилган;

таълим тизимининг турли бўғинларида терминшунослик, лексикология муаммолари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш, танлов фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни олиб боришга имкон яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган илмий ёндошувлар, усуллар, назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, амалий мисоллар ва таҳлиллар фактик-аналитик тил материалларига таянилгани, ишда замонавий тадқиқ усулларида фойдаланганлиги, республика, халқаро миқёсдаги илмий-услубий, илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ЎзР ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чоғиштирилаётган тилларда банк-молия соҳасида қўлланиладиган янги терминологик бирликларнинг ҳосил бўлишида етакчи деривацион усул сифатида аффиксация таҳлил қилинганлиги, банк-молия терминларининг диахрон ва синхрон, деривацион-семантик, лексик-семантик, синтактик-услубий, лингвостатистик жиҳатдан чоғиштира тадқиқи натижасида инглиз ва ўзбек тилларига хос бир қанча интертерминлар аниқланганлиги, соҳа терминларининг таржима усуллари ва лексикографик мезонлари ишлаб чиқилганлиги илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот материаллари ва хулосаларидан атамашунослик, лингвистика, лексикология, лексикография, таржима назарияси ва амалиёти, терминография бўйича маъруза курсларини ўқишда, семинар машғулотларини ишлаб чиқиш ҳамда инглиз ва ўзбек тилларидаги банк-молия терминларининг чоғиштира тадқиқининг асл мазмун-моҳиятини асослаш, иқтисодиёт терминологиясининг бошқа лексик қатламларини бадиий ва лингвистик хусусиятларини ёритишда келгуси тадқиқотлар учун илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва ўзбек тилларида банк-молия соҳасида кенг қўлланиладиган терминларнинг лексик-семантик, морфологик-деривацион, структур-семантик, семантик-услубий, лингвостатистик хусусиятларини очиб бериш мавзуси бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларида банк-молия соҳасида қўлланиладиган терминларнинг деривацион жиҳатларига доир иккинчи даражали дескрипторлар, ассиметрик, транзитивлик хусусиятларининг аҳамияти каби

назарий ва амалий хулосалардан ОТ-Ф1-176 рақамли «Барқарор иқтисодий ривожланишни «яшил» иқтисодиёт асосида таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 мартдаги 3-03-1153-сон маълумотномаси). Натижада контрастли муносабатларнинг фаоллашуви дескрипторлар семантик жиҳатдан тўлиқ муқобил ва синоним бўлиш хусусиятлари, банк-молия терминларининг адекват муқобили билан бирга янги лексик-грамматик хусусиятларини банк-молия соҳасига оид материалларни, ҳужжатларни тўғри ва адекват таржима қилишга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларида банк-молия терминларининг лексик-семантик, функционал-семантик хусусиятларига оид илмий хулосалар ва амалий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Либерал Партиясида сайловолди ишларни, сайловолди платформа дастурларни оммавий ахборот воситаларида икки тилда ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Либерал Демократик Партиясининг 2020 йил 7 февралдаги 01-27/70-сон маълумотномаси). Натижада партиянинг электрон матбуот хизматида 2019 йилда амалга оширилган ишларни, янгиликларни ҳамда иқтисодий соҳа ва тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини икки тилда самарали олиб боришга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларида банк-молия соҳасига оид терминологик тушунчаларни шаклланишида морфологик, синтактик-морфологик ва семантик усулларга оид натижалардан Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитасининг халқаро ҳамкорлик алоқалари бўлими томонидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитасининг 2020 йил 6 февралдаги 180/02-12-сон маълумотномаси). Натижада кўмитанинг халқаро ҳамкорлик алоқаларига оид ҳужжатларни тўғри ҳамда адекват таржима қилишда, хорижий ҳамкор ташкилотлар билан тузилган меморандумлар, битимлар, баённомалар ва шартномаларни инглиз тилида расмийлаштиришда хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларида банк-молия соҳасига оид терминлар таржимасида интерференцион (тўсқинлик қилувчи) омиллар хусусиятларига оид хулосалардан «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёл ассоциациясида бажарилаётган ФЗ-201907261 рақамли «Ўзбекистон аёллар тадбиркорлигини халқаро глобал индекс талаблари асосида юритиш тизимини яратиш» номли инновацион лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион Ривожланиш Вазирлигининг 2021 йил 6 мартдаги 02-15/1221-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши юзасидан эришилган натижалар лисоний-терминологик аппаратнинг муқобил шаклланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 147 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Банк-молия терминологияси тадқиқининг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда жаҳон тилшунослигида терминология ва терминга илмий-назарий ёндашув, банк-молия терминларининг лингвистик хусусиятлари ва тамойиллари, унга қўйиладиган талаблар, банк-молия терминологиясининг таркибий қисмлари ва мавзуий гуҳлари, банк-молия терминларини тартибга солишнинг лингвистик асослари сингари масалалар ҳақида назарий фикр-мулоҳазалар ёритилган.

Дунёда фан ва техника, иқтисодий ишлаб чиқаришнинг жадал сураъатлар билан ривожланаётганлиги жаҳон мамлакатларида рўй бераётган интеграция жараёнлари дунё тилларининг ўзаро интенсив алоқада эканлиги тилларнинг сўз бойлиги ортишига замин яратади. Банк-молия терминларининг илмий-назарий асосларини белгилаш, унинг ўзига хос шаклланиш ва тадрижий такомиллашиб бориш тамойилларини ёритишда даставвал терминологиянинг лингвистик асослари ҳақида амалга оширилган тадқиқотларни ўрганиш, кейин эса банк-молия терминологиясининг диахрон ва синхрон масалаларига диққатни қаратиш мақсадга мувофиқ. Зеро, терминологик бирликларнинг аксарият қисми экстралингвистик омиллар асосида вужудга келиши ҳақида аксиома мавжуд. В.П. Даниленконинг эътирофига кўра: «Жамиятда юз берадиган ҳар қандай жараённинг акси даставвал терминологияда ўз ифодасини топади ёхуд терминларнинг трансформацион ўзгариши натижасида намоён бўлади.»<sup>4</sup> Л.Б. Ткачеванинг фикрига кўра: «Терминларни ўрганиш учун фан ва техникага мурожаат қилиш лозим, чунки айнан лингвистик ва илмий-техник жараёнлар натижасида терминлар шаклланади». Бу вазиятда терминшунос олима терминларнинг пайдо бўлишида экстралингвистик омилларга алоҳида эътибор берган<sup>5</sup>. Унинг фикрини таниқли тилшунослар О.С. Ахманова, И.В. Арнольд, Р.А. Будагов, Ф.Б. Филин, Е.Д. Поливанов, Ю.Д. Дешериев қўллаб-қувватлаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, социоллингвистик ёндашувлар терминология доирасида пайдо бўладиган муаммоларни ва янги терминлар

<sup>4</sup>Даниленко В.П. Об основных лингвистических требованиях к стандартизируемым терминам//Семантические проблемы языков науки, терминологии и информатики.-М.:МГУ, 1971.- С.- 9.

<sup>5</sup>Ткачева Л.Б. Основные закономерности английской терминологии. – Томск: Изд-во Томского университета, 1987. – С. 122-123

яратилишини олдиндан кўради. Бу жараёнда диахроник тадқиқотларнинг аҳамияти катта. Чунки, диахрония терминологиянинг шаклланиш ва ривожланиш вақтини, тадрижий лингвистик хусусиятларини аниқлаб беради. Шу билан бирга, диахрония терминология фанининг ривожланиш йўналишларини ва омилларини аниқлаш, махсус лексиканинг тартибга солиш учун замин яратади<sup>6</sup>. Демак, терминологик лексика махсус маълумотларни сақлаб, маълумотни узатадиган ҳамда терминлар шаклланиш механизмларни ўрганадиган воситаси вазифасини бажаради.

Биз С.В. Гринёвнинг: «Диахрон тадқиқотларнинг бошланиш нуқтаси терминологик лексиканинг пайдо бўлиш вақти»<sup>7</sup> деган фикрини маъқуллаймиз. Маълумки, аниқ бир фан билан биргаликда пайдо бўладиган тушунчалар натижасида бу тушунчаларни ифодалайдиган терминлар шаклланади. Терминлар тизимига қарашли лексика фан ва техниканинг бирлиги бўлиб, бир қатор муҳим вазифаларни бажаради. Улар орасида: номинатив, ахборот, коммуникатив ва эвристик вазифалар мавжуд. Улар ёрдамида ҳозирги даврда ҳам илмий-техник ривожланиш амалга ошмоқда.

А.С. Герд эътироф этишича: «Умумий лексикадан ажралган махсус сўзлар ўзига хос қатламни шаклланишига эҳтиёж туғдиради ва шу йўсинда махсус ғоялар, фикрларни ифодалаш учун махсус лексика тизими пайдо бўлади»<sup>8</sup>. Бундай махсус тизим кўпинча иккита микротизимдан иборат бўлади:

- 1) махсус белгилар, сўзлар, сўз бирикмалар, иборалар, гаплар тизими;
- 2) аниқ соҳага оид махсус матнлар тизими.

Шуни таъкидлаш жоизки, банк-молия терминларининг таҳлили уларни турли гуруҳларга ажратишни имконини беради. Хусусан, банкларнинг фискал ҳаракати, хизматлар ва операциялар тизими, банк-молия иш-юретиш тили, банк ва молия соҳасидаги калит сўзлар ва сўз бирикмалари. Уларнинг барчаси банк-молия соҳасига оид нутқий коммуникация жараёнида фаол ишлатилади. Бундан ташқари, банк-молия терминлари махсус банк-молия иш-юретиш ҳужжатларида ва махсус матнларда ўз аксини топади. Шу маънода, банк-молия терминлари орасида частоталик нуқтаи назардан тез-тез (фаол), ўрта фаолликда ва камдан-кам ишлатиладиган лексик бириклар мавжуд.

Глобаллашув натижасида инглиз тилидан ўзбек тили банк-молия терминологиясига бир қатор инглизча терминлар кириб келган ва улар банк-молия ишларида фаол қўлланилмоқда. Улар орасида: *license*-лицензия, яъни, рухсатнома; *subsidy*-субсидия, яъни, корхона, муассасаларга қайтариб олмаслик шарти билан зарарларни, баҳони қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобдан бериладиган пул маблағлари; *ratification*-ратификация, яъни, аҳдлашувчи давлатларнинг вакиллари тузган халқаро шартноманинг олий

<sup>6</sup>Бейсембаева Г.З. Диахронный аспект формирования и становления терминосистемы электроэнергетики // Вестник ЕНУ им. Л.Н. Гумилева. Серия гуманитарных наук. – 2016. – № 6 (112). – С.54.

<sup>7</sup>Гринев С.В. Введение в терминоведение. – Москва: Московский лицей, 1993. – С. 188.

<sup>8</sup>Герд А.С. Прикладная лингвистика. – СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета, 2005. – С. 27.

хокимият томонидан тасдиқланиши; *obligation*-облигация, яъни, фуқаролик қонунларига мувофиқ қимматли қоғоз ва б.

Замонавий структурали математик тилшунослиги терминлар ва уларнинг дескрипторларни тартибга солиш учун икки ёндашувни таклиф қилади. Биринчи таклиф синтактик таърифига, яъни матннинг статистик ва дистрибутив хусусиятларига асосланади. Иккинчи ёндашув тилшунослик ва бошқа семиотик фанларнинг семантик йўналишига таянади.

Семантик моделлаштириш жараёнида семантик белгилардан (дескрипторлардан) ташкил топган семантик эталонлар (бошқача қилиб айтганимизда тезауруслар) ўртасида маънони умумлаштирувчи алоқалар пайдо бўлади.

Шуни қайд этиш керакки, «тезаурус» тушунчаси нафақат семантик эталонни англатади, у инсон(лар)нинг тил ва дунё ҳақидаги билимлар мажмуини ифодалайди. Бундан ташқари, тезаурус тил бирликлари ва маънога эга бирликлар таснифи ўртасидаги муносабатлар тизимини ифодаладиган махсус луғатдир. Агар луғат алифбо тартибига асосланса, тезаурус, аксинча, сўз бирликларни маъновий ўхшашлик бўйича таснифлайди. Масалан: *rate of exchange*-валюта курси; *rate of profit*-даромад даражаси; *rate-payer*-солиқ тўловчи.

Тезаурус битта терминни ифодалаш учун бир қатор дескрипторларни тавсия қилади. Терминнинг қанча кўп маъноси бўлса, шунча кўп дескрипторлари фаоллашади: *receipt* – 1) қирим; 2) патта; 3) товарни олиш ҳақидаги тилхат; 4) тилхат.

Ҳар бир дескриптор маълум бир контекст ёки шароитда фаоллашади. Бундан ташқари, тезауруслар лингвистик ва инженер-лингвистик муаммоларни ечиш учун катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, тезаурус методи банк-молия соҳасида инфор­мацион-қидирув тизимларни шаклланишда, бошқа иқтисодий соҳалар бўйича ҳужжатларни таниб олиш жараёнида кенг қўламда ишлатилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Инглиз ва ўзбек тилларида банк-молия терминларининг диахрон-синхрон ҳамда структур - семантик хусусиятлари»** деб номланади. Турли тизимли тилларга оид лексик қатламларни диахрон ва синхрон тадқиқ этиш, деривацион хусусиятларини ўрганиш тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу маънода инглиз ва ўзбек тилларидаги банк-молия терминларининг тарихий этимологиясини ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Банк ва молия ташкилотлари махсус ваколатли молиявий ташкилот сифатида давлат молия-иқтисод инфратузилмасининг тарихан таркиб топган қисмидир. Турли тилларнинг банк-молия терминологияси тарихий даврларда давлат томонидан мазкур ташкилотга юклатилган вазифаларга мос равишда шаклланиш ва ривожланишнинг маълум кўринишдаги тенденцияларини бошидан кечирган.

«*Банк-bank*» лексемасининг тарихий, этимологик келиб чиқиши итальян тилидаги «*banco*» сўзига бориб тақалади. Яъни, ўзбек тилида «курси, стул» деган маънони англатади. Қадимги даврларда ҳозирги кўринишдагидек

банклар бўлмаган. Пул, валюта айрибошлаш ва бошқа пул билан боғлиқ операциялар билан аҳоли гавжум жойларда «Стулда ўтирган одам»лар шуғулланишган. Уларда омонат, пулни қарзга бериш, ҳатто, фоиз ундириш каби фаолиятлар амалга оширилган. Бироқ, у ҳозирги кунга келиб, турли хил қимматли қоғозлар ва пул оперциялари масаласида юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатувчи, давлат томонидан таъсис этилган молиявий ташкилот кўринишига келган. Бугунги кунда мулоқотда фаол қўлланиладиган «банкрот»термини ҳам юқоридагилар билан бевосита боғлиқ. Мазкур терминнинг дастлабки, тарихий-этимологик келиб чиқиши қадимги италян тилидаги *bankca rotta* (банкротлик)дир. Сўзма-сўз таржимаси «синган стул, синган скамейка»ни англатади. Француз тилида у «*banqueroute*»лексемаси билан берилади<sup>9</sup>.

Банкларга оид тарихий маълумотлар ҳақида гап кетганда Александр III номли Рим Папасининг 1179 йилдаги қарорини қайд этиш ўринлидир. Хужжатга кўра ўша йилдан бошлаб барча банкирлар черковдан алоҳида фаолият юрита бошлаши керак бўлган. Александр IIIнинг амрига кўра бирорта банкир эътиқод қилиши, христиан урф-одатлари бўйича ҳатто кўмилиши мумкин бўлмаган. Мазкур хужжатдан англаш мумкинки, Европадаги банклар қадимги даврда черков таркибида фаолият юритган ҳамда банкирлар дин уламоларидан бўлган<sup>10</sup>.

Ш.Н.Абдуллаева тўғри таъкидлаганидек, тарихий жараёнлар давомида туркий тилларнинг узок муддатли ўзаро таъсири туфайли ўзбек тилида умумистеъмол қатламдаги каби илмий-техник, диний ва бошқа соҳаларда ҳам катта ҳажмли арабча, айниқса, форсча сўзлар қатлами юзага келган. Масалан: *forfeit – жарима (арабча); crisis – инқироз (арабча); reform – реформа – ислоҳот (арабча); finance – молия (арабча); property – мулк (арабча); price – нарх (форсча); shortage – камомад (форсча)*<sup>11</sup>. Биз бу фикрга қўшимча сифатида банк-молия соҳаси лексикасига *мудохала – валюта операциясига аралашуш (intervention to currency operations), даромад – income, ижара – ижара (rent), муҳосиб - ҳисобчи (accountant), хизона - газна (exchequer, treasury), ҳисоб-китоб (calculation, account), бадал – fee, due* сингари ўзлашма қатлам бирликлари ўзбек тилига ўзлашганини ва уларнинг баъзилари ҳозирги кунда ҳам мулоқотда фаол қўлланилаётганини эътироф этамиз.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, «биржа» термини расмий номланишидан анча олдин пайдо бўлиб ривожланган. «Биржа» сўзи лотинча «*bursa*»лексемасидан келиб чиққан. Мазкур термин бутун Европада кенг ишлатилган бўлиб, кейинчалик халқаро терминга айланди. Аммо, ҳозирги инглиз тилида биржа сўзининг маъноси «*exchange*», «*stock exchange*», «*bourse*»лексемалари орқали ифодаланади. «*Exchange*»лексемаси аслида ўрта асрлар даврида француз тилидан «*eschangier*» (алмашув) сўзидан келиб

<sup>9</sup>Шанский Н.М. Рус тилининг онлайн этимологик луғати. М.: 2004.

<sup>10</sup>Бродель Ф. Время мира: Материальная цивилизация, экономика и капитализм, XI-XVIII вв.-М.: 1992.

<sup>11</sup>Абдуллаева Ш.Н. Ғазначилик соҳасида қўлланиладиган молиявий-иқтисодий терминларнинг чоғиштирма тадқиқи (Инглиз, ўзбек, рус тиллари мисолида). ф.ф.д. (PhD) дисс.автореф.14-б.-Т.: 2018.

чиққан. Инглизча термин «exchange» ўз этимологик тарихига эга. Шунингдек, 2005 йилда чоп этилган Оксфорд этимологик луғати бу терминга қуйидагича тавсиф берган:

the system of transactions by which the debts of individuals residing at a distance from their creditors are settled without a transmission of money, by the use of «bill of exchange» (масофада яшовчи жисмоний шахсларнинг қарзлари кредит берувчиларга пул ўтказмасисиз вексель ёрдамида амалга ошириладиган операциялар тизимидир);

2007 йилда эса «exchange» термини мазкур луғатда бошқачароқ талқинга эга:

A place of exchange, especially a building in which the merchants of a town assemble for the transaction of business<sup>12</sup> (ayirboshlash joyi, asosan, shahar savdogarlari biznesni olib borish uchun yig'iladigan bino);

Агар «биржа» тушунчасини тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилсак, у бир нечта қисмдан иборат эканлигини кўрамиз: биринчидан, биржа – бу бино ёки ташкилот; иккинчидан, биржа – тадбиркорлар ва ишбилармонлар йиғиладиган жой; учинчидан, биржанинг асосий вазифаси савдо-сотикқа оид келишувлардан иборат.

Биржа молия институти сифатида 1569 йилда шаклланган ва айнан шу пайт инглиз тили банк-молия терминларнинг ривожланиш даври бошлаган. Биржага оид терминларнинг ривожланиш жараёнида бешта асосий босқич мавжуд:

1. Биринчи босқич: XVI аср биржа – импорт қилинган товарларни оптом сотиладиган жойи бўлган. Биринчи босқич Лондонда 1569 йил London Royal Exchange (Лондон Қиролга оид Биржа) шаклланганлиги муносабати билан бошланган. Бунга сабаб Америка, Ҳиндистонга йўллар очилганлиги бўлган. Бундан ташқари, Европада савдо-сотик тизими шаклланганлиги ва турли товарларни сотиш кераклиги биржанинг ривожига ўз хиссасини қўшди. Ўша замонда илк банк-молия терминлари ва биржа жаргонлари пайдо бўлган эди. Улар ҳозирги кунда ҳам мулоқотда қўлланилиб келинади. Масалан: *puts and refusals* – таклифлар ва қайтаришлар; *bulls* – «хўкизлар» яъни савдо-сотикда, хусусан, валюта курсларини ўйнатиб турувчи шахслар. Товар нархларига бевосита таъсир қилувчи савдогарлар; *bears* – «айиқлар», яъни савдо-сотик жараёнида нархларни пасайтирмақчи бўлган кишилар; *lamb*s – «қўзичоқлар», улар савдо-сотикда билиб-билмасдан иштирок этадиган кишилар.

Биринчи босқичда банк-молия соҳасига оид терминлар семантик усули орқали оддий сўзларнинг маъно кўчиши асосида шаклланган.

2. Иккинчи босқич: XVII-XIX асрларда биржа йирик савдогарлар ташкилоти бўлиб, унда турли товарлар, қимматбаҳо қоғозлар ва валюталар жамоа олдида ким ошди савдо орқали сотиларди. Демак, биржанинг иккинчи босқичи London Stock Exchange (Лондон Фонд Биржаси) ташкил топганлиги билан бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқариш ва саноатнинг ривожини натижасида

<sup>12</sup>Сидоренко Ю.Н. Пути формирования английской биржевой терминологии. // Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Омск, 2005. –С. 9.



биржаларнинг янги объектлари ва бўлимларини номлаш учун бир қатор махсус терминлар шаклланди:

*floor* – биржанинг савдо-сотик келишувлари ўтказиладиган зал;

*back office* – банкнинг хизмат бўлими;

*garage* – фонд биржанинг келишувлар бўлими.

Шуни айтиш жоизки, иккинчи босқичда биржа ва банк-молия соҳасига оид объектлар ва жараёнларни аниқлаштириш мақсадда икки ва уч компонентли терминлар пайдо бўлган.

*meaning securities* – биржага тегишли қимматбаҳо қоғозлар;

*standard stock* – барқарор акциялар, яъни йирик компанияларнинг акциялари;

*recognized dealer* – диллер, далол, қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиси;

*securities house* – қимматли қоғозларни сотадиган фирма;

*sagging tendency* – пасайтириш ёки камайтириш усули;

*selling climax* – савдолар авжи.

Айнан иккинчи босқичда янги банк-молия терминлари шаклланди: *account* – ҳисоб, ҳисоб-китоб; *assets* – актив, мулк; *bank acceptance* – банк харажати; *stock exchange bank* – фонд биржаси банки.

Хулоса қилиб айтишимизки, XVII асрнинг охиридан бошлаб XIX асрнинг яримигача кўплаб банк-молия терминлари шаклланди ва улар ҳозирги пайтда ҳам фаол ишлатилади.

3. Учинчи босқич: XIX асрнинг иккинчи ярими – XX асрнинг биринчи яримигача биржа очик, жамоат олдида турли қимматли қоғозлар ва фьючерс шартномалар савдо ташкилоти сифатида фаолия кўрсатган. Мазкур босқичда янги банк-молия ва биржа соҳасига тегишли терминларнинг ривожига техник мосламалар ва тузилмалар сабаб бўлган. Биламизки, ўша давр янги техника даври бўлган, кўплаб техник мосламалар биржа ва банк-молия соҳасига киритилган. Шунинг учун, янги терминлар техник мосламаларни ифодаловчи лексемалардан шаклланган. Масалан, «*ticker*» (тикер) сўзи Нью-Йорк биржасида бўлаётган келишувлар ҳақида маълумот берувчи механизмни англатади. Ушбу сўз билан бирга, «*teleregister*» сўзи биржадаги битимларни кўрсатаётган экранни номлаш учун шаклланган.

Мазкур даврда қуйидаги терминлар пайдо бўлди:

*ticker symbol* – қимматли қоғозларни идентификация қилиш, уларни номларини код билан белгилаш;

*runoff* – қимматли қоғозларнинг нархларини биржа ёпилган вақтда тикернинг тасмасида акс эттириш;

*tape abbreviation* – биржада кодлаш апаратининг тасмасидаги кодли белги;

*tape prices* – тикернинг тасмасида қимматли қоғозларнинг акс эттирилган нархлари.

Маълумки, бу даврда реал товарларни сотадиган биржаларнинг аҳамияти анча пасайди. Шу билан бирга, илк бор Америкада биржанинг янги тури – *Future Exchange* (фьючерс биржаси) пайдо бўлиб, XX асрнинг бошида

тез ривожланиб кетди. Мазкур биржанинг номланишига назар ташласак, унинг «future» (келаси, келгуси) компоненти товар келгусида етказилиши ва тўланилиши ҳақида дарак беради. Ҳақиқатдан ҳам, фьючерс биржаларда аввал битим тузилиб, товарлар кейин етказиб бериларди. Фьючерс биржалари илк бор Чикагода пайдо бўлган эди. Гап шундаки, Чикагода ўша даврда юкларни транспортда ташиш катта муаммо бўлиб, бу ҳолат фьючерс биржаларининг шаклланишига сабаб бўлган. Бу эса, ўз навбатида, янги терминлар пайдо бўлиши учун замин яратди:

*trading in futures* – муддат асосида келишувлар;

*stock-index futures* – фонд индекслари асосида келишилган фьючерс битимлар;

*stock futures* – акциялар асосида шошилиш битимлар.

Мазкур пайтда валюта бозорида ҳам катта ўзгаришлар кузатилди. Валюталарнинг қимматини кузатиш учун махсус графиклар – «*charts*» пайдо бўлган эди. Ўтган асрнинг яримигача графиклар билан боғлиқ турли терминлар шаклланди:

*line chart* – масофага оид график;

*bar chart* – устунли график;

*failure swing* – омадсиз тебраниш;

*double top* – икки марта ортиқ бўлган тебраниш.

Келтирилган мисоллардан кўриб турибмизки, янги терминлар эски сўзлардан, яъни оддий, ҳар кунги ҳаётимизда фойдаланиладиган лексик бирликлардан шаклланди. Уларнинг аксарияти икки ва уч компонентли терминлар шаклида юзага келган.

4. Тўртинчи босқич: XX асрнинг 70-80-чи йилларида биржада турли қимматли қоғозлар ва фьючерс шартномалари очик-ошкора савдо ва электрон савдо орқали сотиларди. XX асрнинг охирида компьютер яратилиши билан биргаликда биржанинг янги тури шаклланди – *Computer Exchange* (компьютер биржаси). Биржанинг мазкур тури иш юритиш учун алоҳида бино талаб қилмасди, зеро, барча келишувлар ва битимлар компьютер орқали тузиларди.

Компьютерли биржалар савдо-сотикни кенгайтди ва савдонинг турли усуллари юзага келтирди. Бу даврда тўрт компонентли терминлар шаклланди ва улар турли объект ва жараёнларга ном берди:

*cash earnings per share* – акцияга нисбатан пул даромади;

*exchange equalization account* – валютани стабиллаш биржаси;

Мазкур даврда тўрт компонентли терминлар пайдо бўлиши билан, уларни нутқда ва банк/биржа соҳасида осонлик билан фойдаланиш учун кўплаб аббревиатуралар пайдо бўлди:

*AIMF* – *Average Indexed Monthly Earnings* – Ойлик киримнинг ўртача кўрсаткичи;

*IMC* – *International Marketing Centre* – Халқаро маркетинг маркази;

*IRA* – *Individual Retirement Account* – Шахсий нафақа ҳисоби.

5. Бешинчи босқич: ХХІасрдан бошлаб қимматли қоғозлар ва фьючерс шартномалари фақатгина электрон савдо орқали сотилмоқда<sup>13</sup>. Янги терминларнинг мазкур босқичи 2000 йилдан бошланди ва бу давр биржалар интернет орқали фаолият кўрсатиши билан ажралди. Демак, қимматли қоғозлар ва фьючерс контрактлар онлайн тузиларди ва сотиларди. Мазкур даврнинг терминологиясида юзлаб ва минглаб аббревиатуралар шаклланди. Улар компьютер ва интернет лексикасини ўз ичига олди.

Шуни айтиш жоизки, бир объектни ёки жараённи ифодаловчи термин турли даврларда ҳар хил шаклда фаоллашарди. Масалан, қимматли қоғоз Англияда XIV асрда «*bill*»(вексель) сўзи орқали ифодаланган эди. Кейинчалик, XV асрда, қимматли қоғоз «*security*» деб аталган эди. XVII асрнинг бошида «*share*» (акция) сўзи пайдо бўлди ва у ҳозиргача ўз маъносини ва аҳамиятини йўқотмаган. Ўша асрда қимматли қоғознинг бошқа тури – облигация «*bond*» термини шаклланди. XVII асрнинг охирида эса қимматли қоғозларни номлаш учун оддий «*paper*» (қоғоз) сўзи ишлатиларди. Кейинги XVIII асрда акцияни ифодалаш учун «*stock*» сўзи пайдо бўлди. Бундай хронологик тавсиф қимматли қоғозлар турли асрларда ва даврларда аҳамияти, вазифаси ва ўзига хос хусусияти бўлганлиги учун турли номланарди деб ўйлаймиз, зеро, ҳар бир даврда банк ва биржа соҳасида ўзгаришлар намоён бўлган ва пул бозорида қимматли қоғозларнинг роли ва аҳамияти ҳам фарқланарди.

Бугунги ўзбек адабий тилида фаол қўлланилувчи «*ипотека*» термини қадимги юнон кредиторлари томонидан жорий этилган. Улар ўз қарздорларига ажратилган ерга *hypothèque* (ипотека) ёзувли белги қўйишган. Ушбу белги кредит мажбуриятига амал қилинмаган тақдирда ер кредитор ҳисобига қайтарилишини англатган<sup>14</sup>.

Шунингдек, тадқиқотнинг ушбу бобида банк-молия терминларининг семантик-структур хусусиятлари ҳам атрофлича тадқиқ этилган.

Банк-молия соҳаси терминологиясида яқка морфемадан иборат туб терминлардан ташқари, турли лингвистик усуллар асосида ҳосил бўлган терминологик бирликлар мавжуд. Туб терминлар сирасига, Масалан: *budget* – *бюджет*, *invoice* – *ҳисоб фактура*, *credit* – *кредит (қарз)*, *маблағ (сумма) – sum, capital, cash, авизо – advice (хабарнома)* сингари терминлар кирса, морфологик усулда ясалган терминларнинг ҳосил бўлишида турли хил аффикслар (префикслар, суффикслар, инфикслар) иштирокини кузатишимиз мумкин. Масалан: *banker* - *банкир*, *rauer* - *тўловчи*, *financier* – *молиячи*.

Ўзбек тили банк-молия терминологиясида эса *-ма* сўз ясовчи суффикси терминларнинг ҳосил бўлишида анча фаол ҳисобланади ва бунга қуйидагиларни мисол сифатида келтиришимиз тўғри бўлади. Масалан: *айланма* (маблағга нисбатан), *устама* (тўлов ва фойдага нисбатан), *қоплама* (келишувга нисбатан), *икки, уч томонлама* (шартномага нисбатан).

<sup>13</sup>Сидоренко Ю.Н. Пути формирования английской биржевой терминологии. // Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – Омск, 2005. – С.12-13

<sup>14</sup>Банки и банковское дело: Банковская система, лизинг и ипотека./ Под.ред. И.Г.Балабанова-СПб:Питер, 2001.- С.253.

«Банк-молия терминологик бирликларининг таржима қилиш тамойиллари» деб номланган учинчи бобда банк-молия терминологиясида учровчи омонимик ва полисемантик бирликларнинг терминлар таржимасидаги иштироки, ўрни ва роли, таржимага таъсири, соҳа амалиётига оид ҳужжатлар ҳамда кодексларни у ёки бу тилга таржима қилиш асносида сўзларнинг маънодошлиги ва кўп маънолилиги салбий ҳодиса эканлиги аниқланган. Инглиз тилидаги бир банк-молия термининг турли шакллар билан ифодалаш ҳолатлари мавжудлиги амалий мисоллар билан исботланган. Шунингдек, банк-молия терминларининг лексикографик манбаларда берилиши, тилдаги муайян услубий бўёқдорликни ўзида акс эттирувчи айрим стилистик ва фразеологик воситаларнинг соҳа терминологиясига кириб келиши натижасида банк-молия термини ёхуд унинг муқобили сифатида қўллаш ҳолати ортиб бораётгани ушбу соҳа терминлари мисолида атрофлича ёритилган.

Буюк Британия банк-молия соҳалари амалиётида фаол қўлланиладиган кўп маъноли **order-ордер** терминининг турли хил семалари, маъно қирралари мавжуд. 1) *молиявий талабнома*; 2) *қарор, буйруқ, фармойиш*; 3) *тартиб*; 4) *кўрсатма*; 5) *бўлим*; 6) *регламенткаби кўп функционалик хусусиятига эга*. Бироқ, **order-ордер** сўзи нутқ куршовидан ёхуд контекстдан ажратиб олинса, «*юридик кучга эга бўлган расмий ҳужжат*» маъносини англатади. Бинобарин, ҳар қандай кўп маъноли сўз гап (контекст)нинг ичида фақат бир маънони англатади. Чунки, бунда сўзловчи бир маънони назарда тутди ва гапдаги қўшни сўз ҳам бошқа маънони юзага чиқармайди. Масалан: *negotiable order of withdrawal account*<sup>15</sup> - *банк ҳисоб рақамидан олинadиган маблағга оид ордер (талабнома)*.

Бундан ташқари инглиз тили банк – молия терминологик тизимида **order cheque-ордер чек** термини ҳам анча фаол қўлланилади. **Ордер чек** - бу муайян юридик ёки жисмоний шахс номига расмийлаштирилган ҳужжат бўлиб, биринчи шахснинг ваколати орқали иккинчи ёки учинчи шахсга мулк ёки маблағ эгаси номидан тўловни амалга оширишга имконият берилишидир<sup>16</sup>. Ўзбек адабий тилида ушбу терминнинг таржимадаги муқобили «**ишончнома**» га тўғри келади.

Шунингдек, инглизча **hacker-ҳаккер** (компьютердаги махсус дастурларни ишдан чиқарувчи шахс) сўзи ўзбек тилига неологизм сифатида кирган эди. У айти пайтда эса банк-молия тизимидаги электрон молиявий оперцияларни «**бузувчи шахс**» тарзида қўшимча маънони ҳам англатмоқда. Шунингдек, инглиз тили банк-молия тизимида шундай полисемантик терминлар мавжудки, битта термин ўзида бешта, олти, ҳатто, ўнга яқин маънони акс эттириши кузатилади. Масалан: **identification**<sup>17</sup> – 1) *bank customer's signature on a check, either as drawer or endorser* – банк мижозининг чекка (векселга) қўядиган имзоси; 2) *a sending bank's password, used in place of a bank officer's signature*-банк ходими имзоси билан киритилadиган

